

НАМУНАЛИ ОИЛА



3



Ойдин ХОЖИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири:
“ГУЛХАН”ДА ЧИНИҚДИМ,
“САОДАТ”ДА СИЙЛАНДИМ

4

ТУНДА ТОПГАН ДИЛДОШИМ



6



ЎТКИНЧИ
ГЎЗАЛЛИК

8

2015 ЙИЛ — КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ



Жамшид Норқобилов олган сурат (ЎзА).

Кексаларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларни қадрлаш, эъзозлаш халқимизга хос қадрият. Бугун қай бир гўшага борманг, нурунийларимизнинг шод-хуррам кексалик гаитини сураётганига гувоҳ бўласиз.

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги денгиз сатҳидан минг метр баландликда, Ҳисор тоғ тизмалари ва Оқсув дарёси бўйида жойлашган “Мироқи” санаториясида бугун кексалар ҳам мириқиб дам олаётир.

Сиҳатгоҳда асаб тизими, юқори нафас йўллари, таянч ҳаракат аъзолари, юрак қон-томир, қон босими, юрак эшемик касалликлари, ревматизм ва унинг асоратлари, миокард инфарктдан кейинги ҳолатлар, уйқусизлик, бош мия қон айланишининг

сурункали бузилиши, остеохондроз, бел ва бўйин умуртқасининг диск чурралари каби касалликлар даволанади. Дам олувчилар нафақат соғломлаштирилади, балки уларнинг бўш вақти ҳам мазмунли ўтаяпти. Хоналар телевизор ва радиоприёмник билан таъминланган, вақтли матбуот нашрлари мунтазам етказиб берилди.

Ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирлардан дам олувчилар мамнун. Фахрийлар иштирокида учрашувлар ташкил этиш, концертлар уюштириш, тарихий қадамжоларга саёҳат ҳамда театрларга ташриф шулар жумласидандир. Сиҳатгоҳда жорий йилги мавсумда мингдан зиёд фахрийларни соғломлаштириш режаслаштирилган.

ҲИКМАТ

Хотиржамлик соғликнинг ярмидир, сабр эса шифонинг бошланишидир.

Абу Али ибн СИНО

Мамлакатимизда амалга оширилётган ислохотлар қаторида "Эҳтиёжманд оилаларга даромад манбаларини яратиш имкониятларини кенгайтириш бўйича янги ижтимоий ёрдам дастурлари" лойиҳаси алоҳида аҳамиятга молик. Пойтахтимиздаги "Wundham" меҳмонхонасида унинг якуналарига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Европа Иттифоқининг Институционал ривожланиш соҳасидаги ҳамкорлик дастури доирасидаги мазкур лойиҳа Милан шаҳрининг Савдо-саноат, хунармандчилик ва қишлоқ хўжалиги палатаси қошидаги "Формапер" агентлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Литва Ижтимоий инновациялар жамғармаси, Испания "Аёллар мулоқот ва таълим учун" асоциацияси билан ҳамкорликда ўтказилиб, унда 2013 йили Тошкент шаҳри, Тош-

МУДДАТ ҚИСҚА, МУВАФФАҚИЯТ КАТТА

кент ва Сирдарё вилоятларидаги 5 та маҳаллада амалга оширилган лойиҳа иштирокчилари, ташаббускор ва ҳамкорлар иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова мазкур лойиҳанинг аҳамияти, ижтимоий шериклик, халқаро ҳамкорлик асосида катта натижаларга эришилгани хусусида ўз мулоҳазаларини билдирди.

Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикасидаги делегацияси раҳбари Юрий Штерк, Италиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Риккардо Манара ва бошқа халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари сўзга чиқиб, лойиҳанинг эътиборга молик жиҳатлари, шунингдек, юртимизда олиб борилётган ислохотларни юқори баҳолаб, 2015 йил

"Европа ривожланиш йили" ҳақида ҳам сўз юритишди. Шундан сўнг Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ННТлар фаолиятини мувофиқлаштириш гуруҳи раҳбари Дилбар Алимжанова лойиҳа доирасида амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар тақдимотини намойиш этди.

Айниқса, кредит олиб, ўз бизнесини бошлаган аёллар ўз даромадлари, лойиҳа доирасида ўтказилган семинарлар, яратиб берилган имкониятлар туфайли оиласига даромад олиб киргани, иқтисодий ривожлангани хусусида билдирган самимиий дил сўзлари кўпчиликка манзур бўлди. "Формапер" агентлигининг лойиҳалар менежери Ольга Ногаева ўз қузатувларига асосланиб, яқиний хулосаларини билдирди. Хусусан, лойиҳанинг юртимизда муваффақиятли амалга оширилганлиги, қисқа муддат ичида катта натижалар-

га эришилганини таъкидлади.

Шунингдек, юртимизда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилингани, Хотин-қизлар кўмитаси томонидан "Тадбиркор аёл портали"нинг яратилиши, юқорида қайд этилган лойиҳа доирасида ташкил этилган "Ахборот ойналари"га жами 1500дан ортиқ аҳоли муурожаат қилгани, улардан 600 дан ортиғи ўтказилган 27 та ўқув машғулотларида тадбиркорлик бўйича билимларини оширгани, бир йил давомида 130дан ортиқ хотин-қизлар ўз бизнес режаларини тузиб, 750 миллион сўмдан ортиқ микрокредит маблағларини олиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишида амалий кўмак кўрсатилгани юртимиз аёлларининг оғирини енгил қилишдаги яна бир эзгу ҳаракат бўлгани эътироф этилди.

Келтирилган рақамлар шунчаки сон эмас, бу — уй бекаларининг ўз ишларини йўлга қўйиб, оила бюджетига ҳисса қўйиши, коллеж битирувчиларининг иш билан таъминланиши, аҳолининг турмуш даражаси ошиши деганидир. Айниқса, кредит олиб ўз фаолиятини йўлга қўйиб, ундан кўшимча фойда олган, тикувчи ва пазанда, чорвачилик ва миллий хунармандчилик йўналишларида иш бошлаган тадбиркорларнинг самимиий сўзлари буни исботлади.

Ўз олдиға аёлларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, салоҳиятини ошириш каби мақсадларни қўйган мазкур лойиҳа муддати якунланган бўлса-да, унинг доирасида орттирилган тажриба, ишлаб чиқилган механизмлар бошқа ҳудудларда давом этиши, тажрибада қўлланилиши тадбир сўнгиди таъкидланди.

**Гулжамол АСҚАРОВА,
Камола АДАШБОЕВА,
"Оила ва жамият"
муҳбирлари.**

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини

Қадрият ФАРИШТАЛИ УЙ

Президентимизнинг: "Ҳар қандай жамиятнинг ёши улғу одамларга бўлган эътибори ва ғамхўрлиги унинг маданий даражасини белгилайди, десак, янглишмаган бўламиз. Соддагина, ўзбекона қилиб айтганда, кексаларга ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш маънавий ҳаётимизнинг том маънода ажралмас қисмига айланган", деган фикрлари ҳар биримизнинг дилимиздаги ёруғ ниятдир.

Аслида, ўзбекнинг ҳар бир боласи катталарни ҳурмат, кичикларни иззат қилиш керак, деган ақида ва тарбия кўриб ўсган. Қолаверса, биз дуони олтидан қиммат деб биладиган халқмиз. Обод юртимизни нурга, чиройга буркаётган файз-бараканинг боиси шундан. Нуронийларнинг шукронаси, фарзандлари, набираларидан розилиги боис уянаёмиз, камол топаёёмиз. Топаетган ҳалол номимизда барака, лаззат бор.

Мухтасар қилиб айтганда, "Қариси бор унинг — париси бор" деган ҳикматда аҳойиб маъно, мазмун бор.

**Абдурахим
ОРТИҚОВ,
Наманган шаҳар
2-давлат нотариал
идораси нотариуси.**

"Эътироф — 2014", "Олтин қалам" X Миллий мукофоти ғолиби, қорақалпоғистонлик журналист Анжам Бекбергенова болалик чоғлариданоқ овул турмуши, қишлоқдошлари тақдирига беварқ эмасди. Узини худди журналистлардек тутиб, катта-ю кичикка бирдек: "Аҳволинг қандай овулдош?!" дея саволларни маржондек тизар эди.

Илм олишга бўлган иштиёқ уни Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтининг филология факультетига етаклади. Ўқишни имтиёзли диплом билан тугатган қахрамонимиз илк фаолиятини матбуотдан яъни "Орол ҳавози" ("Орол овози") газетасидан бошлади. Кейинчалик эса "Қорақалпоғистон" телерадиокомпаниясининг радиоэшиттиришлари бўйича қишлоқ хўжалиги таҳририятида ўз ишини давом эттирди. Ҳозирги кунда "Қорақалпоғистон" телеканалининг Муסיкий дам олиш ва кино дастурлар бош муҳарририятида катта муҳаррир вазифасида фаолият юритмоқда. Унинг "Муסיқа сирлари", "Улли тулғалар" ("Улғу сиймолар"), "Сазлар сийқири" ("Созлар сеҳри"), "Меҳир", "Лапис" каби мавзулардаги туркум кўрсатувлари томошабинлар эътирофига сазовор бўлмоқда.

— Кўрсатувлар сифати ва бадиий мукамаллиги нафақат журналист меҳнати, балки телемарказнинг техник имкониятларига ҳам боғлиқ, — дейди Анжам Бекбергенова. — Телевидениенинг даврга ҳамоҳанг, замонавий техника ва технологиялар билан таъминланиши ижодкорларни янада руҳлантириб, шижоатли ва ташаббускор бўлишга ундамоқда. Телемарказимизда замонавий турдаги қўшимча янги студия ишлаб турибди. Компьютер графикаси билан оддий ва мураккаб монташлаш хоналарига ўрнатилган янги ускуналар, видеокамералар ва бошқа техник имкониятларнинг кенгайиши натижасида телекўрсатувларнинг сифати яхшиланди. Жорий йилдан бошлаб кўрсатувларнинг вақти 18 соатга ўзгарди. Бу эса ўз навбатида, журналист-ижодкорларга томошабинларга манзур бўладиган мазмунли ва сифатли, ранг-баранг, долзарб мавзудаги кўрсатувлар тайёрлаш имконини бермоқда.

Журналист, ижодкор инсон борки,



доимо изланиб, янги гоғлар устида бош қотиради. Қаламидан ҳам, қоғозидан ҳам асло нолимайди, фақатгина ундан эзгулик, яхшилик йўлида фойдаланади. Анжам Бекбергенованинг ҳам ана шундай изланиш ва интилишлари ўз самарасини берди. У тайёрлаган кўрсатувлар халқ меҳрини қозониб, "Эътироф — 2014" танловининг республика босқичида телевидение йўналиши бўйича "Йилнинг энг яхши тележурналисти" номинациясини қўлга киритди. Бу рағбат ҳамкасбимизни янада масъулият билан ишлашга руҳлантирди. Ўз олдиға қатъий мақсадлар қўйди. Ишга меҳр бериб, изланишдан қанч лаҳза бўлса-да тинмади. Буни қарангки, унинг меҳнатлари бесамар кетмади. "Олтин қалам" X Миллий мукофоти халқаро танловида "Энг яхши журналистик материал учун" (телевидение) номинациясида 2-ўринга сазовор бўлди.

Икки қизини ўқитиб, узатиб, бугун тўрт нафар неваранинг меҳрибон бувиси бўлиб, элда эъзозга эришган Анжам Бекбергеновани оилада меҳрибон она, оқила уй бекаси, жамиятда эса фаол ва ташаббускор аёл сифатида замондошларимизга ўрнак қилиб кўрсатасан арзийди.

— Агар аёлни ўз оиласи ва яқинлари қўллаб-қувватламаса, бирор ютуққа

эришиши мушкул, — дейди қахрамонимиз. — Тўғри, баъзан аёл иш ёки оилани танлаши керак, деган гап-сўзлар ҳам қўлоққа чалинади. Аслида, аёлнинг бахти оиласида, фарзандлари бағрида тўқис ва мукамалдир. Хонадонини обод қила олган бека қўни-қўшнилари орасида, маҳалласида, ва албатта, жамиятда ўз ўрнини топади. Шу маънода бугунги кун аёли жуда фаол. Оиласини ҳам, ишини ҳам бирдек эплаяпти. Чунки айни пайтда мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятда ўз ўрнини топишлари, хонадони обод, турмуши фаровон бўлиши учун кенг имкониятлар яратилган. Аёлларимиз ана шундай эътибор ва меҳрдан куч олади. Оиламиз тинч ва фаровон экан, ишимизда унум ва ривож бўлаверади.

Анжам Бекбергенова каби қаламга, ижодга суяниб, ҳар лаҳзада эл-юртнинг қувончу ташвишларига шерик бўлиб келаётган барча ҳамкасбларимизни 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини билан чин дилдан қутлаб, уларга оилавий бахт ва ижодий парвозлар тилаб қоламиз!

**Феруза НУРУЛЛАЕВА,
журналист.
Қорақалпоғистон Республикаси.**

НАМУНАЛИ ОИЛА



— Панжи ака, чекка худудларда ҳам шаҳардагидан кам бўлмаган ҳовли-жойлар қуриляпти. Хўжахуросон қишлоғида бунёд этилаётган намунали уйлاردан бирини сизга ажратсак, нима дейсиз, — деб қолди бир куни уни ҳузурига чорлаган бош шифокор.

Қутилмаган тақлифни эшитган Панжи Эргашевнинг боши осмонга етди. Хушxabар бу оиланинг барча аъзосини суюнтирди.

— Кўнглимдагидек иш бўлибди-да, — деди турмуш ўртоғи Роҳилахон. — Нега десангиз, ҳали олдимизда Сухробжон турибди. Келинни янги уйга туши-

ришни ният қилганман. Биринчи тўловни тўласак, қолганига банк кредит бераркан, бу катта енгиллик-ку!

Шахрисабз туманидаги Хўжахуросон даҳасидаги 42 оилага мўлжалланган, барча қулайликларга эга шинам турар-жойлардан бирининг калити илгари Мактабобод қишлоғида яшаган Панжи Эргашевга тантанали суръатда топширилган куни бу хонадонда тўй бўлиб кетди.

Панжи Эргашев айна пайта туман тиббиёт бирлашмасининг юрак-қон-томир хасталиклари бўлими бошлиғи сифатида фао-

Замондошларимиз

лият кўрсатмоқда. Олий тоифали кардиолог-шифокор. Турмуш ўртоғи Роҳилахон Жавлиева ҳам 35 йилдан буён халқ саломатлиги йўлида самарали хизмат қилмоқда. Бу аҳил оилага ҳамманинг ҳаваси келади. Оиланинг тўнғичи Лазизжон иқтисодчи. Муниса тиббиёт ҳамшираси. Сухробжон ота изидан бориб, Тошкент Тиббиёт академиясида таҳсил кўрмоқда. Кенжатоғи Моҳинабону эса мактаб ўқувчиси.

— Утган йили янги уйга кўчиб ўтдик, — дейди Роҳилахон. — Табиий газ, тоза ичимлик суви, иссиқ сув, электр энергияси таъминотида ҳеч бир нуқсон йўқ. Шарт-шароит ниҳоятда яхши.

— Халқор оила кўни муносабати билан “Энг намунали шифокорлар оиласи” номинацияси бўйича Панжи Эргашев ва Роҳила Жавлиева ғолиб деб топилди, — дейди туман хотин-қизлар кўмитаси бош мутахассиси Дилором Диёрова. — Дарҳақиқат, қаерда оила тотув бўлса, жамият ривож топади.

Шавкат СУЛТОНОВ,
журналист.
Қашқадарё вилояти.

Ҳаёт остонаси

Б О Й
ЕРИЛГАН
АХТ

ёки яна эрта никоҳ ҳақида

...Кизингизнинг бўйи чўзилиб, уйингизга совчилар кела бошлади. Кўнглингиз тубидаги ширин орзулардан энтикиб қўймоқдасиз, ҳойнаҳой? Ҳа, ота-она учун фарзандининг бахтини кўришдан-да улкан қувонч йўқ, албатта. Аммо ўйлаб кўрингизми?.. Эндигина мактабни тугатиб, касб-хунар коллежи остонасига қадам қўяётган кизингиз турмушга чиқишга, она бўлишга тайёрми, ўзи? Қўлида бирор касби, хунари борми?..

Бу саволларга орадан бир неча йил ўтганидан сўнг, яъни қўлида ярим жон фарзандини кўтарганича ёки бир умрлик ногиронга айланган кизингиз остонангизга қайтиб келгачгина жавоб топасиз. Лекин бунда жуда кеч бўлади...

Бу, энг аввало, ота-оналарнинг бепарволиги, лоқайдлиги туфайлидир. Қизини тезроқ келинлик либосида кўришни истаган, бошқача қилиб айтганда, «Тенги чиқса — текинга бер» қабиллида иш тутган ота-оналар ўз қўллари билан фарзандини чоғга улоқтирганини, афсуски, жуда кеч англаб етмоқда. Энг ачинарлиси, ён-атрофида ана шундай аянчли воқеага ўзи шохид бўлади-ю, ўз фарзандига келганда ҳаммасини унутади. Ахир, эрта ёшдаги оналикда ҳомиладорлик ва туғруқ асоратининг ўлим эҳтимоли юқорилиги ҳақида жуда кўп гапирилмоқда. Ҳомиладорлик ёш кизнинг нафақат саломатлигига салбий таъсир кўрсатади, балки унинг таълим олишига, жамиятда ўз ўрнини топишига ҳам тўсиқ бўлиб қолади.

Яна бир оғриқли муаммо — яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳни ёқловчилар ҳам йўқ эмаслиги. Бироқ бир жиҳатни зинҳор унутмаслик лозим: ген билан боғлиқ айрим касалликларнинг яширин даври икки-уч авлод ўтиб ҳам юзага чиқиши тиббиётда ўз исботини топган. Натижада боюбувсининг «арзимас» хатоси туфайли соғлом ота-онанинг бир дилбанди ногирон тугилади. Энг ачинарлиси, бундай фарзандлар кўпинча ўз ота-онаси бағридан эмас, Мурувват уйларида кўним топади.

Ўзбекистон Республикаси «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасида бола (болалар) — ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадр бўлган шахс (шахслар), деб белгиланган. Демак, вояга етмай турмуш кураётган ва она бўлаётган ўсимир қизлар қонун бўйича ҳам ҳали бола ҳисобланади. Орзу-ҳавас деймиз, фарзандларимиз камолини тезроқ кўргимиз келади. Лекин обдон ўйлаб кўрайлик: фарзандларимизни 17-18 ёшга кирар-кирмас уйлантириб қўйсак ёки узатиб юборсак, улар оила ҳақида қандай тасаввурда бўлади? Ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотмаган, қўлида тайинли бирор касб-кори, хунари бўлмаган, она суги оғзидан кетмаган бола оила аталмиш муқаддас тушунчанинг моҳиятини англаб ета оладими? Улар эртага қандай фарзанд кўради? Болаларига қандай тарбия беради? Буларни, аввало, ким ўйлаши керак? Ахир, уйлантирамыз, оила қурасан, фарзанд кўрасан, деб орзу қилиб турганимиз — йигитча ва кизчаннинг ўзи ҳали бола-ку!

Икки ёш оила қурад экан, «Соғлом ота-она бўлишга тайёрми?» деган саволга жавоб топиши керак. Бунинг учун ёшлар никоҳдан олдин тиббий-қўриқдан ўтиши белгилаб қўйилган. Мутахассис-шифокорлар оила кураётганларга тиббий-қўриқдан ўтиш асносида тегишли кўрсатма, тавсия ва маслаҳатларни беришади. Ана шундай пайтада ўз вақтида зарурий муолажаларни олган, бу жараёнда ўзбошимчалик билан йўл тутмасдан, албатта, малакали шифокорлар ёрданидан фойдаланган йигит-қиздан эртага соғлом оила бунёд бўлади, соғлом фарзандлар дунёга келади.

Айрим ота-оналар ўз жигаргўшасини мажруҳга, ҳаётини дўзахга айлантираётганини наҳотки билмаска? Кўзингизни очиб атрофга қаранг, бахтли оилалар кўп. Сиз ҳам эътиборлироқ бўлсангиз кизингиз ёки ўлгингиз ҳам фурбатда эмас, бахтдан масрур яшайди.

Мастуба САДРИТДИНОВА,
Тошкент шаҳар
1-сонли “Никоҳ уйи” мудири.

БУГУННИНГ АЁЛИ



Инсоннинг тақдир йўлини болаликдаги орзулар белгилайди. Қайсидир бадий асарда ўқиган бу сўзларим наманганлик тadbиркор аёли Махфиратхон Иномова билан суҳбат жараёнида ёдимга тушди. Негаки, бу замондошимиз эришган маъқеа, қўлга киритмаётган муваффақиятлари замирида айнан болаликдаги орзу-интилишлар ёганини бир неча бор таъкидлади...

У Наманган шаҳрининг Озод маҳалласида туғилиб ўсди. Оилада тўққиз фарзанд камол топган бўлса-да, оилабошилар эътиборли эди: болалари орзуларини рўёбга чиқариш умиди билан яшарди. Шукрки, бугун Махфиратхоннинг отаси Рустамжон ота 90 ёшда, Салтанат ая умрнинг саксон бешинчи доводидан ўтди: фарзандлар роҳатини кўриб, неваралар қуршовида кексалик гаштини суришяпти. Ҳақиқий пиру бадавлат, деб уларни айтишимиз мумкин.

— Ҳар бир боланинг ўзига яраша феъл-атвори бўлади, — дейди қаҳрамонимизнинг волидаси Салтанат ая. — Бизнинг кизимиз қачон қараманг, ажабтовур кўйлақчалар расмини чиқиб, мато қийқимларидан бирор нарса тикаётган бўларди. Чок машинасини ишлатишни ҳам жуда ёшлигида ўрганган. Мана, барибир, орзусига эришди — тadbиркор бўлди.

Дарвоқе, Махфиратхон Наманган шаҳридаги 40-мактабни аъло баҳоларга тугатган йили маиший хизмат уйига ишга жойлашди. Шу орада Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида ҳисобчи-иқтисодчи мутахассислиги бўйича таҳсил олди. 19 йиллик меҳнат фаолияти давомида оддий ишчи, уста, бўлим бошлиғи вазибаларида ишлади. Ўз касбига меҳри баланд, талабчанликни қадрлаган жамоа истаги билан у 1999 йили маиший хизмат уйига раҳбар этиб тайинланди.

Ишбилармон бу аёлнинг кўнглида соҳани ривожлантириш бўйича катта режалар бор, буни хусусий тadbиркоргина амалга ошира оларди. Шу босидан оила аъзолари билан маслаҳатлашиб, 2000 йилда Наманган шаҳридаги «Дўстлик» буюм бозори йўлпарасидаги бўш бинони ижарага олиб, «Махлиё» кўп тармоқли хусусий фирмасини ташкил этди. Фирма қошида кийимларни кимёвий усулда тозалаш, кир ювиш, тикувчилик, бўёқ цехлари фаолияти йўлга қўйилди.

2005 йилда Наманган шаҳар ҳокимлигига ер сўраб мурожаат қилди. Жой ажратилгач, тез орада янги бино қуриб битказилди. Ўтган 12 йил ичида аҳолига арзон ва сифатли хизмат кўрсатилиб, суратхона, компьютер хизмати, музқаймоқ ва салқин ичимликлар савдоси ҳам йўлга қўйилди.

Мазкур маиший хизмат уйи фаолиятидан аҳоли мамнун. Бу ерда беш нафар фуқаро иш билан банд. Чуст, Уйчи, Норин, Тўрақўрғон ва Чортоқ туманларида кийимларни кимёвий тозалаш цехлари ташкил этилиб, яна бешта иш ўрни яратилди.

— Келгусида хизмат даражасини яхшилаш, аҳолига янада қулайлик туғдириш мақсадида кўчма қабул машинала-

ри фаолиятини ҳам ташкил қилиш режамиз бор, — дейди Махфират Иномова.

2014 йил тadbиркор учун янада омадли келди. Шу йили бизнес лойиҳалар танловига тикувчилик фаолиятини ривожлантириш бўйича тақдим этган бизнес режаси республикада ғолиб деб топилди ва уни йўлга қўйиш учун 40 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Айни кунда, ана шу маблағ ҳисобидан 5 та замонавий тикув машиналари сотиб олинди ва тикувчилик цехи замонавий таъмирдан чиқариляпти. Яқинда цех фаолият бошлайди ва беш нафар касб-хунар коллежи битирувчилари иш билан таъминланади.

— Бозорларимизни ўргандим, — дейди Махфират опа. — Дўконлар қизларнинг европача услубда тикилган, қиммат либослари билан тўлган. Бу нархда либос сотиб олиш кимгадир малол келса, бошқа бировга уларнинг миллийлигимиздан йироқ экани маъқул бўлмайди. Биз эса табиий, арзон, саломатликка зиёни йўқ матолардан ҳам замонавий, ҳам миллий услубда кийим тикаяпмиз.

Албатта, у бошлаган ишнинг охирига етказадиган, қийинчиликдан чўчимайдиган, ҳаммиса олға интилиб яшайдиган аёл. Ишининг кўзини билгани учун ютуқларга эришяпти. Меҳнатлари ўз самарасини бермоқда.

Шахло ТОШБЕКОВА,
“Оила ва жамият”
муҳбири.
Наманган вилояти.

Ойдин Ҳожиёва Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги, Бўстон қишлоғида туғилган. «Кўзимнинг оқу қароси», «Шабнам», «Мен севган кўшиқ», «Тароват» «Достонлар», «Сайланма» «Нажот», «Олисан келган овоз», «Шом шуълалари» каби йигирмадан зиёд шеърӣ тўпламлари, «Чашмаларни излайман», «Тонг тўхталари», «Тўрт танҳо», «Зулфия абадияти» каби публицистик асарлар тўпламлари ўқувчилар қалбидан жой олган. «Шарқ юлдузи» (1965-1976 й.й. адабий ходим, бўлим мудири), «Саодат» (1976-1985 й.й. бўлим муҳаррири, 1994-2012 й.й. бош муҳаррири), «Гулхан» (1985-1994 й.й. бош муҳаррир) журналларида фаолият юритган.

Оилали. Адабиётшунос олим, беназир таржимон Иброҳим Фафуров билан ижод ва ҳаётда бир-бирларига сунячиқ, ҳамкор ва ҳамнафас бўлиб, ўғил-қизларнинг, невараларнинг бахту камолини кўриб яшашдек қатъга эришганлар.

Ойдин ҲОЖИЁВА,
Ўзбекистон халқ шоири:

“ГУЛХАН”ДА ЧИНИҚДИМ, “САОДАТ”ДА СИЙЛАНДИМ



— Ойдин опа, салкам ярим аср матбуотда ишлагингиз. Илк фаолиятингиз хотираларини биз билан баҳам кўрсангиз?

— 1965 йили Зулфия опанинг тавсияси билан «Шарқ юлдузи» журнаliga бордим. Ўша кезларда журналда забардаст ижодкорлар жамоаси шакланган эди. Ҳамид Фулом бош муҳаррир, Шухрат, Ваҳоб Рўзиматов, Юсуф Шомансур, Носир Фозилов, Хайдарали Ниёзов, Хусниддин Шарипов, Оқилжон Ҳусанов, Лола Тожиёва... Улар нозиктаб шoir ва ёзувчилар бўлиш билан бирга таҳрирда ҳам жуда моҳир эдилар. Кўлёмалар қоп-қора сиёҳга бўялар, уларнинг таҳриридан кейин асарларнинг жонланганига гувоҳ бўлардим. Дастлаб, бир ой иш ўргандим. Хатларни қабул қилиб, саралаб, бўлимларга тарқатардим. Жавоб ёзардим. Аввал, адабий ходим, кейин бўлим мудири вазифаларида ишладим. Бу даргоҳда устозлардан таҳрир санъатини ўргандим. Катта маҳорат мактабини ўтадим. Шоира сифатида танилдим. Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлдим.

— Касб маҳорати, бош муҳаррир ва ижодий ходимлар ҳамда муҳаррир ва муаллифлар ўртасидаги муомала-муносабатларда ёшларга қандай ўғитларни айтган бўлардингиз?

— Фаолиятимнинг асосий қисми «Саодат» журнаli билан боғлиқ. 1976 йил журналга ишга ўтганимда Зулфия опа: «Яхши шоира бўлиб танилдингиз, энди, сизни журналист қилиб тарбиялаймиз, Ойдинжон», деган эдилар.

Матбуот этикаси, журналистика маданияти борасида Зулфия опанинг сабоқларидан, ўғитларидан ўтказиб

бир нарса дейиш қийин. Устоз бу борада ўзига ҳам бениҳоя талабчан эди. Таҳририят ходимлари билан ҳамфикр ишлашни яхши кўрар, журналнинг навбатдаги сонини тайёрлаб, босмаҳонага топширганимиздан сўнг бизни ёнига чакриб: «Раҳмат! Бу сонини тайёрлашда ҳамма ходимлар виждонан ишладилар. Кўнгил тўладиган яхши материаллар кўп бўлди. Кейинги сонда ҳам шундай гайрат тилайман!» — деганида ишга янада меҳримиз ортарди.

Таҳрирда сўзини, меҳнатини аямас, биздан ҳам шуни талаб қиларди. Ойдин опа Собирова шоир ўз сўзини қизганмаслиги керак, у яна янги-янгиликларини топади, дегувчи эдилар. У киши журнализмизга муҳаррирлик қилган даврида бизни шунга ўргатганлар. «Муҳаррир зиммасига асар учун ҳам, муаллиф тақдир учун ҳам жавобгарлик ҳисси ҳаммадан кўра кўпроқ тушади. Яхши таҳрир асарни бойитади», — деб қайта-қайта такрорлардилар.

Яхши ишланган материаллар хошиясига: «Ташаккур!», «Барака топинг! Яхши таҳрир қилибсиз!», «Сиз бундан тузукроқ таҳрирга қобилиятлисиз. Яна бир кўрасизми?», «Нега саёз асарга ўз имзоингизни раво кўрасиз?» каби сўзларни ёзиб кўяр, бу ходимга ижобий таъсир этарди. Ўта талабчанлиги, синчковлиги сабаб очик-ошкора сатрларни ҳаё пардасига ўраб, меъёрига етказиб таҳрир қиларди.

Менга салкам йигирма йил давомида «Саодат»да бош муҳаррир бўлиб ишлаш насиб этди. Зулфия опанинг аъналарини давом эттирдик. Ундаги мақолалар, адабий-бадий асарларнинг барчаси жамиятимиз ҳаётига дахлдор. Ижодкор сингилларим менга қўшканот бўлишди. «Саодат»га сизмаган мавзулар учун 1999 йилдан

«Гулчехралар» номли газетани илова сифатида чоп эта бошладик. Бугунги кунда журнални ўқувчилар қўлига етказишда Ферузaxon Жалилова, Маҳмудaxon Саъдуллаева, Кутлибека Раҳимбоева ва бошқа ижодкор қизлар устозлар йўлини тутиб, меҳнат қилаётганидан мамнунман.

— Ўқувчилик йиллари «Гулхан»нинг ҳар сонини орзиқиб кутардик. Ўшанда миллионлаб болалар кўнглига бирдек йўл топиш осон бўлмагандир?

— «Гулхан»да Мирвосил Одилов, Муҳаббат Ҳамидова, Темур Убайдуллаев, Моҳира Хўжаева, Холида Муҳамедова, Нодира Абдуллаева, Малика Хидирова, Заҳро Ҳасанова каби болалар адабиёти, болалар журналистикасининг фидойилари билан ишлаганим фаолиятимнинг энг завқли даври бўлган, деб айта оламан. Улардан бола қалбига боладек бўлиб киришни ўргандим.

Эндигина иш бошлаганимда «Гулхан» сарғиш қоғозда босилар, безак ранглари ҳам бироз хира эди. Таниқли офтальмолог, жонкуяр шифокор Муҳаммаджон Комилов (охирати обод бўлсин) билан суҳбатлашганимда болаларда кўриш қобилиятини яхшилашда қоғознинг тиниклиги ва ранглар ёркинлиги жуда фойдали эканини таъкидладилар. У киши билан маслаҳатлашиб, Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда журналининг қоғози ва рангларини ўзгартирдик. Болалар ва «Гулхан» ўртасида дўстона алоқалар ҳамда журналнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни янада мустаҳкамланди. Ҳар куни минглаб хат олардик. Ҳатто айрим ота-оналар болалари: «Гулхан»жон дўстимни кўргани Тошкентга бораман», деб йўлга отлангани ҳақида ёзишарди.

Журнал қошида «Шатранж арса»-си номли мусобақа, «Менинг биринчи китобим» туркумида ёш қаламкашларнинг илк китобларини чоп этганмиз. Асадулла Жўраев, Гуландом Тоғаева, Ориф Тўхташ, Фарҳод Арзиев, Насрулло Холмуродов каби ижодкорлар «Гулхан»нинг ўша пайтлардаги кашфиёти бўлишган.

Ўша йилларни эслаганимда кўнглимни ҳамиша миннатдорлик туйғуси ёритади. Мирвосил Одиловнинг ишга масъулият билан ёндашиши, Муҳаббат Ҳамидова ва бошқа ижодкор қизларнинг қуюнчақлиги, Нодира Абдуллаева, Хуршид Зиёхон, Рустам Зуфаров, Осимхон Босихонов каби рассомларнинг юксак касбий салоҳиятисиз биз журнални бу қадар сеvimли нашрга айлантира олмадик. Ўзим учун аса «Гулхан»дан «Болалик байрамлари»мни топганман.

— Ёш қаламкашларнинг сатрларидан «милт» этган чўғни кўрсангиз, гавҳар топгандек ҳаммага су-

юнчилайсиз... Ўзаро суҳбатларда Зулфия опа ўғитларини шогирдлар қалбига синдириб борасиз. Ҳамкасбларимизнинг матбуотда чоп этилаётган, радио, телевидениеда эфирга узатилаётган мақолалари, эшиттириш ва кўрсатувларини синчиқлаб кузатасиз. Шундай пайтда нималардан кўнглингиз тўлмайди?

— Бугун қайси соҳага қараманг, фаол ва ташаббускор хотин-қизларни учратасиз. Уларнинг меҳнати, орзу-истаклари, мақсадлари билан яқиндан танишсангиз, янги бир оламни кашф этасиз. Муҳтарам Президентимиз биз ижодкорлар олдига замонамиз қаҳрамонларининг ҳаёт тарзи, қиёфаси, орзу-интилишларини очиб бериш вазифасини қўйганлари бежизга эмас. Шундай аёллар борки, бир ўзи ўнта одам бажара олмайдиган ишларни эплайди. Навоий вилоятининг Ўртачўлида ер олиб, боғ яратган Хумарой Бақоева, «Ўртачўл юлдузлари» фермер хўжалиги раҳбари Раъно Валиева, олти-ариқлик Лолаҳон Муродова, Ўзбекистон Қаҳрамонлари — андижонлик Сиёсатхон Абдуллаева, фарғоналик Патилахон Эргашева каби аёлларимиз замонамизнинг чин маънодаги қаҳрамонлари эмасми?!

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида, энг масъул дамларда Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева ўзининг бетакорр публицистикаси ва шеърлари билан опа-сингилларимиз қалбини уйғотиб, Истиклол ғояларини оналаримиз қалбига мустаҳкам ўрнашишига алоҳида ҳисса қўшди. Бугунги қаламкаш ука-сингилларимизда ана шундай ижодий шиддат етишмаётгандек туюлади, назаримда. Тўғри, ўз соҳасида фидойилик билан меҳнат қилаётган ҳамкасбларимиз анчагина. Телевидениеда Элмира Раҳматуллаева ва Зебо Мирзаева каби сингилларимиз юксак савияли кўрсатувлар тайёрлашмоқда. Меҳринисо Курбонова, Иқбол Қўшшаева, Барно Султонова каби журналистаримизнинг публицистик чиқишларидан хурсанд бўламан. Афсуски, матбуотимизда ҳашаки мавзуларга ўралашган ижодкорлар ҳам анчагина.

Миллий журналистика ва адабиётимизда Озод Шарафиддинов, Миртемир домла каби устозлар катта мактаб яратишган. Бирор нарса ёзас устозлар нима дер экан, деб ҳайқардик. Аммо хозира ёшларда андишани кам кўрасиз.

Бугун соянишин бўлиб ўтирадиган, таҳририятдан чиқмай қаҳрамонлар «ясайдиган» вақт эмас. Ҳозирги ўқувчи ҳақон адабиёти ва журналистикасидан хабардор. Унга ер бағирлаган, майда асарларни бермаслик керак. Устозлар мавзуларни кенг ва баян олишимизни қайта-қайта тайинларди. Зеро, ҳар бир мақола, ҳар бир асар миллат сифатида, халқ сифатида янада тараққий этишимиз учун хизмат қилсин.

Қалам аҳлига, сўз аҳлига катта имкониятлар эшиги очилган даврда яшапмиз. Касб байрами муносабати билан Юртбошимиз бизга табриклар йўллаб, ҳар йили зиммамизга халқимиз, мамлакатимиз тақдирини билан боғлиқ ўша масъулиятли вазифаларни юклайдилар. Ана шу ишончга муносиб бўлишимиз керак. Ҳамкасбларимизга ижодий салоҳият тилайман. Омон бўлишимиз. Хонадонларидан кут-барақа, тинчлик-хотиржамлик аримасми. Юртимиз осмони ҳамиша мусаффо бўлсин!

Ҳамроҳон МУСУРМОНОВА
суҳбатлашди.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

БОҒОТ ТУМАНИ ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ


Юртимиз тараққиёти, халқимизнинг фаровон турмуши, давлат ва жамият ҳаётидаги янгиланишларни одамларга етказишда жонкуярлик кўрсатаётган фидойи, қалами ўтқир, сўз масъулиятини чуқур ҳис этадиган журналистлар, матбаачиларни касб байрами



**27 июнь —
Матбуот ва оммавий
ахборот воситалари
ходимлари кун**

**муносабати билан
чин юракдан муборакбод этади.**

**БАЙРАМ МУБОРАК,
АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!**



Реклама

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

куйидаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шими, плаш-пальто — 1-2 ой.
Хамшира — 6 ой (4 ой ўқиш, 2 ой амалиёт).
Хамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).
Тиббий массаж — 3 ой (2 ой ўқиш, 1 ой амалиёт).
Торт ва пишириклар — 2 ой.
Олий торт безатиш курси — 1 ой.
Уйгур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.
Жаҳон таомлари — 2 ой.
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой (0 дан балансгача).
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.

Бичиш-тикиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Тирнок, киприк ўстириш ва дипелация — 1 ой.
Каштачилик — 3 ой (машинкада вышивка).
Тўқувчилик — 3 ой.
Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.
Бисер, яъни матога мунчоқли безак тушириш — 2 ой.
Декоратив гул ясаш — 1 ой.
Сарпо кути ва саватлар ясаш — 1 ой.
Бисердан гуллар, дарахталар ясаш — 2 ой.
Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой, интернет — 1 ой.
Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона бор.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй, 31-хона. МЎЛЖАЛ: Юнусобод деҳқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Яшнобод тумани Фаргона йўли кўчаси 4-уй, 40-хона. МЎЛЖАЛ: Кўйлик кийим бозори рўпарасида.

ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи) Хизматлар лицензияланган

ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА...

Молу давлатини йўқотган киши биттагина нарсасини йўқотади. Ор-номус, гурурини йўқотган одам бир дунё нарсасини йўқотади. Жасоратини бой берган инсон эса бутун бойлигини, яъни ўзлигини йўқотади.

ГЁТЕ.

Икки тоифа одамдан кўрқиб керак: Бири ўта заиф душман, иккинчиси эса...тинимсиз узр сўрайдиган киши.

Букрот ҲАКИМ

Умр бўйи ўрганганларига амал қилмаган одам тинимсиз бол йиққан бўлса-да, аммо асал тўпламаган арига ўхшайди.

Саъдий ШЕРОЗИЙ

Пул пулни топганидек, ютуқ ҳам ютуқни топади!

ШАМФОРТ

Эълонлар

Тошкент шаҳар “Ер тузиш, рўйхатдан ўтказиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати” Мирзо Улуғбек тумани бўлими томонидан «Хавфли геологик жараёнларни кузатиш давлат хизмати» номига 22-август 2007-йилда берилган серия ТА №0340126 СТИР 10090301020027 рақамли бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент фармацевтика институти томонидан Умаров Яхъёжон Солижонович номига 1983 йил 30-июнда берилган ИВ-1 №309707 серия рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент фармацевтика институти томонидан Алибаева Гульшад Давлятовна номига 1983 йил 30-июнда берилган ИВ-1 №270963 серия рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТУНДА ТОПГАН ДИЛДОШИМ

Радиолошловчи Дилфуза Жалолова сийратига чизгилар

Тунги дилдошим, диллабшани келдим сиз билан. Тунни кузатиб, мунаввар тонгни кутиб олишга келдим. Сукунатдан сўз излаб, бахт излаб келдим. Туннинг ойдни бағридан сизга яқин туйғуларни, сизни изладим. Тундан топганим Туйғу бўлди.

Ким ижодни қандай англар, қандай тушунар, билмадим. Лекин мен учун у — дард, сўнгсиз, адоғсиз дард. Ичиндан тошиб, ёпирилиб келаётган тўфон. Бу тўфон сўз бўлиб қоғозга куйилади-ю, кейингина кўнглинг таскин, ҳаловат, ором топади. Яхшиямки, қоғоз ва қалам деган дардкаш бор, деб суюниб юр-ман. Ахир, болалигимдан дўстим ҳам, сирдошим ҳам шу бир парча варақ бўлса, нетай? Дард мени ўстирди, улгайтирди. Ҳеч бир иш бесабаб бўлмайди, ҳар бир ишда хайр бор, деб тўғри ай-тишган чоғи, болаликдан мерос ёлғизлик, кўнгли фардлиги мени ижодга олиб кирди. У менинг бутун борлигим, болалигимдан то ҳозирга қадар топганим ва фақат топганимдир. Мен унда яшапман.

“Сўзинг кўр учун кўз бўлсин, — дейди Юсуф Хос Ҳожиб ва давом этади, — Билиб сўзла, сўз — билим саналур”.



ТАҚДИР — ҲАЁТ — КУРАШ

Қисмат... Жуда қизик-да. Оламда нечта инсон бўлса, шунақа қисмат бор. Гўдаклигимда тақдир тақозоси билан икки оёғим ишламай, юролмай қолдим. Ота-онам ўзларини айбладилар, елиб-югурдилар, бари бекор кетди. Лекин инсон эоти умид ва меҳр билан тирик экан. Яқинларимнинг меҳри шу пайтга-ча мени қўлади. Кўнглимга боқсангиз, энг бадавлат одам мен бўлсам керак. Худо мени меҳр билан сийлади. Кўнгли одами бўлиб ўсдим. Ҳар нарсадан таъсирланавераман, ич-этимни ейман, севинчдан теримга сиймайман гоҳо. Мактаб-интернатда ўқиб юрган пайтларим ота-онамнинг зийраклиги, меҳрибонлигини қарангки, ҳар кеч мени ўз уйимизга олиб кетишар ва эрталаб элиб қўйишарди. Лекин деразадан бу келди-кетдиларни кузатиб турган ўқиб нигоҳларга кўзим тушиб, ўзимни алланечук айбдордек ҳис қилар, ич-ичимдан эзилардим. Ахир, уларнинг кўнглиги турли жойлардан келиб ўқишар, яқинларини кунда-кунора кўра олишмасди-да.

Ҳаёт кураш дегани экан. Ё вақт голиб бўлади ёки инсон. Вақтдан ют-қизмасанг, марра сеники. Лицейни битириб, университетга, журналистика факультетига ўқишга топширдим. Мен бу ҳаётда, одамлар ичида ўз ўрнимни, қадримни топишим керак эди: билим, муомала, одамийлик билан... Мактабда, лицейда, университетда ҳам турли инсонлар билан тўқнашдим. Бирини кўриб фикр, бирини кўриб шукр қилардим. Лекин кўп инсонларни, уларнинг муомалаларини кўриб тушқунликка тушган вақтларим ҳам бўлди. Мени бу ҳолатдан китоблар, шеърят ва мусиқа кутқарди. Улар сира жонсиз эмас. Инсонлардан топганимни улардан қидирдим, улардан топдим.

Бежиз яралмаганман ахир, бекор яшамайман ҳам, дедим ўзимга-ўзим. Мақсадимни айни олий даргоҳда англадим устозлар кўмагида, меҳрида... Журналистика чинакамига менинг ҳаётим эканини тушундим. Тўрт йиллик таҳсилдан сўнг, уйда бир йилча ўтириб қолдим. Бу вақтда яна кўнгли

шеърят билан юзлашди, одамларга, адабиётга муҳаббатим ортди, уларни кўргим, сўхбатлашгим, дийдорлашгим келди. Бу куч, бу англаб бўлмас туйғу мени радиого етаклади.

Тақдирин қўл билан яратур одам, Ғойибдан келажак бахт бир афсона.

Ҳа, мен ҳаётимни ўзгартаришга аҳд қилдим. Ҳеч кимни айбламайман. Ҳеч ким кимнингдир бахтсизлиги, омадсизлиги учун айбдор эмас, ахир. Ота-онамнинг менга таскин берувчи сўзлари, илтижоли кўзларидан ўзимни ожиз сеза бошладим. Бу ожизлик шунда эдики, нахот фарзанд бўлиб уларни хурсанд этолмайман, уларни бир умр афсуслар домига ташлаб қўяман каби саволларнинг жавобсизлигида эди. Мен саволларга жавоб топиш учун ҳам қаддимни тутдим, микрофон қаршига ошиқдим. Ўзимга ишондим.

ТАСОДИФЛАР ТАСОДИФ ЭМАС

“Ўзбекистон” радиосида дастлаб бошловчи бўлганман. Бир куни муаллифлардан бири ишга келолмай менга ўша кунги эшиттиришни тайёрлаш вазифаси топширилди. Илк ҳаяжонимнинг тасвир-қиёси йўқ. Фикру хаёлим бош режиссёримизнинг ишончини очлаш эди. Устозим, танқидчим Гулчехра Ғиёсованинг ёрдамлари тавсиялари билан ўзимга ишончим ортди. Уларнинг: “Ҳар бир инсоннинг ўз овози бўлади. Сен шундай ўқингки, у қалбларга етиб борсин. Тингловчи сохталикни қабул қилолмайди”, деган пандлари эфир олдида қулқларим остида жаранглайди. Фақат табиийлик тингловчи эътиборини ушлаб тура олишини англадим. Овозим устида ҳалигача ишлаганман, у ҳам олмосдай йиллар оша сайқалланиб бораркан. Устозимдан дакки эшитмаслик учун оғзимга тош солиб ишлаганларим эсимда. Бора-бора “Барҳаёт наволар”, “Менинг онам ҳаммадан яхши...”, “Тунги дилдош”, “Бедорлик” эшиттиришларини жонли эфирда ўқий бош-

И з ҳ о р

ладим. Илиқ фикрлар эшитдим. Улар менга куч, далда, руҳ берди. Эртанги эфирга, эртанги кунга ва эртага...

Бир куни эфир чоғида кулиб юбордим. Қулгидан ўзимни тиёлмадим-да. Дархол микрофонни ўчириб, ортидан қўшиқ қўйдим-қутулдим. Зийрак мухлис шуни ҳам сезибди: “Сизнинг қулгингизни ҳам эшитдик, бизга шу керак эди”. Қорақалпоғистонлик Улуғбек ака исмли ғойибий яқинимнинг гаплари эди бу. Бу дунёда сенинг қулгиндан завқ туядиганлар борлиги учун ҳам яшагинг келади. Тундан тонгга яхши ниятлар ила боринг келади. Тунда инсонларда руҳият яқинлигини сезаман, ўзим-да тунга сингиб кетаман. Тунда сокинлик бор, унда сеҳр, нафис парда бор. Тун инсон ўзини-ўзи англаши учун энг қулай фурсат. Ёқимли мусиқа садолари остида севимли шорингиз гулдасталарини кўнглингга яқин инсонларга тўхфа этиш. Мана — менинг бахтим, мана — мубталожик. Тунги дилдошимга энг илиқ туйғуларни ҳаёда этгим, уларга “Ўзингиз орзу қилган бахтга эришинг” дегим келади.

Бахт — ижод ва муҳаббат, менинг наздимда. Унинг борлиги учун ҳам бахтлисман. Ёнингда эмас, аммо ёдинг-да ҳаммиша. Ўзганинг бахтидан бахт тўя олиш... Муҳаббат висол дегани эмас, у билан бирга бўлмаслигинг мумкин. Аммо негадир уни ўйлагингда, унинг ютуқлари, ҳатто фарзандли бўлганини эшитганигда ҳам бахтиёр бўласан... Шу эканми, муҳаббат деганларни, деб ўйлаб қоламан. Тирикликдан қидираман, барини. Тириклик — умр. Умр эса ўтган-ўтаётган кунларимиз. Тун билан тонгнинг абадий олишуви.

Тундан сизга ёруғлик, муаззам тонг олиб келдим. Тундан топганим сиз, сўз ва тонг. Тонглар муборак, дилдошим!

Дилфуза Жалолованинг
дил кечинмаларини
Севара АЛИЖОНОВА
оққа кўчирди.

Фаолият КЎЧМАС МУЛК УЧУН СОЛИҚ

Фуқароларнинг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар томонидан давлат солиқ хизмати органлари га маълумот тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўз аксини топган.

Ушбу ҳужжатга кўра, мулкда солиқ солинадиган мол-мулк бўлган жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл фуқаролари, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шунингдек, юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ тўловчиларидир. Агар кўчмас мулк мулкдорининг жойлашган ерини аниқлаш имкони бўлмаса, бу мол-мулк қайси шахснинг эгалигида ва (ёки) фойдаланишида бўлса, ўша шахс солиқ тўловчидир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган уй-жойлар, квартиралар, дала ҳовли иморатлари, гаражлар ва бошқа иморатлар, жойлар, иншоотлар ҳам солиқ солиш объектидир.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги “Солиқ ва бюджет сийсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни асосида Солиқ кодексининг 84-моддасига киритилган ўзгаришларга кўра, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар ҳар йили 1 февралгача ўзлари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига тегишли ҳудудда жойлашган ер участкаси ва бошқа кўчмас мулк, унинг мулкдорлари (эгалари) тўғрисида 1 январь ҳолатига кўра маълумот бериши, шунингдек ер участкаси ва бошқа кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар йил давомида юзага келганда — мазкур кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кун ичида маълум қилиши шартлиги белгиланган қўйилган.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш солиқ тўловчининг яшаш жойидан қатъи назар, солиқ солиш объекти жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг маълумотлари асосида амалга оширилади.

Шоаброр ШОМАНСУРОВ,
Яшнобод туман Давлат солиқ
инспекцияси бошлиғи
ўринбосари.

ҲОМИЛАДОРЛИК ТАЪТИЛИ

Ҳомиладорлик таътилининг муддати ҳақида маълумот берсангиз.

К.Жўраева.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 233-моддасига асосан: “Аёлларга туққунга қадар етмиш календарь кун ва туққанидан кейин эллик олти календарь кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда — етмиш календарь кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақа тўланади”.

Саволга Бўка тумани ФХДЁ
бўлими мудир
Дилфуза МАХМУДОВА жавоб берди.

РАСМИЙЛАШТИРИЛМАГАН БЎЛСА...

Шаҳарда яшайман. Қишлоққа бобонинг ҳовлиси бор. У киши ҳаётлигида ҳовлини менга васият қилиб қолдирган эди. Бир неча йил ўша уйда укам яшади. Бобон вафот этгач, ҳовлини сотаман, десам укам қаршилик қилмоқда. У бунга ҳақимми?

И.Нурсоатов.

— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1134-1135-моддаларига асосан: Мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан, фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги во-


рислик ҳуқуқига эга бўладилар. Бобонинг ҳовлисини оғзаки тарзда берилган васиятга асосан олишингиз мумкин эмас. Чунки васиятнома нотариал тартибда расмийлаштирилиши керак.

Фуқаролик кодексининг 1124-моддасида васиятноманинг шаклига доир умумий қоидалар кўрсатилган. Шунга кўра, сиз бобонгиздан қолган мол-мулкдан барча қонуний меросхўрлар қатори ўз улушингизни олишингиз мумкин. Бунинг учун бобонгиз яшаган тумандаги давлат нотариал идорасига ариза билан муурожаат этишингиз кераклиги белгиланган.

Саволга Чилонзор тумани
7-ДНИ нотариуси
Зулайхо ИБРАГИМОВА жавоб берди.



СОҒЛИК — БОЙЛИККА АЙЛАНСА...



Муҳтарам муштарий, эслатиб ўтамиз, газетамизнинг 2015 йил 29 апрель 17-сонида “Керосинчи “табиб” мақоласи Эълон қилинган эди.

Тахририятимизга ушбу мақола юзасидан тегишли маҳкамалардан турли мазмундаги жавоб мактублари келди, жойлардан юзлаб телефон қўнғироқлари бўлди. Қолаверса, ўзининг қўлбола “Гайнер” дорисини одамлар орасида икки бетлик махсус “реклама варақаси” билан тарғиб этайтган Нишон тумани Пахтаобод қишлоғида яшовчи Бобомурод Бегмиров ҳам шахсан тахририятга келиб, чоп этилган мақоладаги баъзи жиҳатларга эътирозларини ёзма равишда тақдим этди. Шунингдек, Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик жамоат фонди Бошқаруви раиси А. Мирзааҳмедов номидан келган хатда ҳам ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида айрим хатоликларга йўл қўйилганлиги хусусида сўз юритилган. Ниҳоят, яқинда Қашқадарё вилоят ҳокимлигига мазкур мақолада кўтарилган жиддий масалани ўрганиш, таҳлил этиш юзасидан йўллаган хатимизга Нишон туман ҳокими М.Ҳайитмуродов номидан жавоб келди.

ИЗОҲГА ХОЖАТ БОР

Б.Бегмиров газетамизга ёзган аризасида мақолада мутахассисларнинг авиа керосин хусусида келтирган фикрларига қўшилишини тан олиб, Б. Жавлиев номидан берилган маълумотда ўзининг фаолиятига умуман алоқаси йўқ муолажа усули хусусида ўринли эътироз билдирган. Бунга биз ҳам қўшилдик. Лекин у изоҳ берганидек, “...ўзим авиа керосинни қайта ишланганидан ичиб, саратон хасталигини даволаганман. Тўхтовсиз 48 кун ичганман. Ҳозир ҳам ҳар ойда 4 кун ичман. 2005 йили қовуқ саратони билан операция бўлиб бир йилдан кейин 4 жойимдан ўсиб, иккинчи марта операция бўлганман. Шуни ичиб, шу бугунгача

яшаб юрибман” деган даъвоси айнан ана шу суюқликни бошқаларга ҳам қўллаб, даволаш мумкин деган хулоса, ҳуқуқни бермаслигини тушунишни истардик.

Оғир хасталикни бошидан кечирган инсоннинг сабру бардошига балли дейиш мумкин. Фақат бизни ҳайрон қолдирган томони, Нишон туман ҳокими номидан юборилган жавоб хатида “Фуқаро Б. Бегмиров (мақолада Бегмиров деб ёзилган — тахр.) бу ишларни фақат савоб учун қилаётганлиги, ҳеч кимдан пул олмаслигини, Республика “Меҳр-шафқат ва саломатлик” жамоат фонди Шаҳрисабз туман филиалининг гувоҳнома-си асосида рухсатномаси борлигини, фондга аъзолиги учун шартнома асо-


сида 2015 йил 15 мартдан 2017 йил 31 декабргача фаолият юритиши (қайси турдаги фаолият билан шугулланиши келтирилмаган — тахр.) ни, авиа керосиннинг истеъмолга яроқсизлигини ишлатмаслигини ҳамда тавсия этмаслигини билдирди (хат тахирисиз берилмоқда) дейилган. Қизиқ, савоб йўлида деб бепоул тарқатилётган Б.Бегмировнинг “Гайнер” дорисини олиб туманлар (масалан, Китоб туманидан сал кам бориш-келиши икки юз чақирим йўл) дан биров текинга олиб келишига ишонса бўлармикан?.. Қолаверса, айнан шу “дори”нинг 200 граммли ҳар бир идишини 20-25 сўмдан сотиб олганлигини тасдиқловчи ҳамюртларимиз ушбу жавобдаги сўзларни ўқиб, мийғида кулиб қўймаслигига кафолат йўқ.

Бу ҳам майли, яна бир ажаланарли жиҳати, ҳокимлик жавобида Б.Бегмировнинг ҳозирги кунда юқоридан номи тилга олинган Ўзбекистон

ЭСЛАТМА ЎРНИДА:

Асл мақсадимиз битта: яъни, саломатлигимизни турли хил, тегишли муассаса ҳамда мутахассислар томонидан расман тасдиқланмаган сохта “дори-малҳам”ларни истеъмол қилишдан тийилишга, энг асосийси, тиббий саводхонлик даражамизни ошириш ҳақида жиддийроқ қайғуришимиз лозимлигини уқтириш ҳолос.

ТАХРИРИЯТ



ЯНГИЙЎЛ ТУМАНИДАГИ “ЯНГИЙЎЛ ЁҒ-МОЙ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ БОШҚАРУВИ

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан мамлакатимиздаги барча журналистларни чин юракдан қутлайди!

Шубҳасиз, халқимиз маънавиятини юксалтириш, фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашда сизнинг катта меҳнатингиз ётибди. Шундай экан, машаққатли ишларингизга улкан муваффақиятлар, оилангизга тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат, қут-баракат тилаймиз.

**ТИЛАГИМИЗ, ҚАЛАМИНГИЗ ЎТКИР, СЎЗИНГИЗ ҲАМИША БУТУН БЎЛАВЕРСИН
МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ!**

ЎТКИНЧИ ГЎЗАЛЛИК

— Тугилган кунимда дадам менга энг сўнги русумдаги “Айфон” телефони совға қилди. Кеча интернетга уландим, дўстлар топаялман.
— Ойим кеча чет элдан менга зўр кийим-кечак олиб келибди. Қиммат. Ўзимизнинг миллий кийимлар энди ёқмай қолди.
— Ўзги “семестр”ни яхши ёпсам, акам велосипед обермоқчи.

Бири мактаб, иккинчиси коллеж ўқувчиси, учинчиси эса институт талабаси бўлган бу ёшларнинг ана шундай гап-сўзларини эшитиб хайрон қолмадим. Нега дейсизми? Чунки биз — катталарнинг ўзимиз уларни эркалатиб, талтайтириб шу кўйга туширдик. Ҳақли савол туғилади, менда: Хўш, нега кейинги пайтларда Абдулла Қодирий, Шукур Холмирзаев, Абдулла Орипов, Ўткир Хошимов, Ҳалима Худойбердиева, Тоғай Мурад, Назар Эшонкул сингари ўнлаб забардаст ёзувчи-шоирларнинг бетакрор асарларини ўқиганлиги билан мактабнинг ўрнига ўзининг ички эмас, ташқи гўзаллигини кўз-кўз қилишга мойил ёшлар кўпайиб бормоқда? Бундай таъсирларга асир бўлаётганлар кимнинг фарзанди, сизники, меники, бегона эмас-ку! Демак, ҳар қандай вазиятда ҳам, энг аввало, оила даврасида таълим-тарбияга кўпроқ эътибор беришимизни даврнинг ўзи талаб этмоқда.

Ўқитувчиман. Дарс жараёнида кўпроқ қизлар билан мулоқотда бўлганим учун уларнинг фикрлаш доираси, дунёқараши, оиласидаги муҳитни таҳлил қиламан. Юзма-юз мулоқотларда кўп нарса аён бўлади. Ишонасизми, айрим ота-оналарга фарзанднинг хулқи ва ўқиши билан боғлиқ нуқсонларни айтсам,



балога қоламан. “Нима, биз айбдоримизми шунгайм, керак бўлса сизлар жавобгарсиз”, дея маломат қилишга боришади. Шундан сўнг, давоматидан бошлаб, фанларни ўзлаштириши ва ниҳоят, ахлоқи хусусида батафсил маълумот берман. Барибир ўқитувчи айбдор. Хўш, илм масканида узоғи билан 4-8 соат машғулларда банд бўладиган ўқувчи қолган 18-20 соат вақтини ўз оиласи даврасида ўтказмайдами? Коллеж дарвозасидан кирганидан кейин биз қўлимиздан келгунича назорат қилшга уринамиз. Дарсдан кейин-чи? Айна ана шу савол жумбоқлигича қолаётмир. Шу ўринда яна бир мулоҳаза.

Ойна

Хозир ўқувчилар учун таътил мавсуми бошланди. Улар энди бутунлай ўз оиласи бағрида яйрашади. Дарслар, машғулот ва синовлар, талабчан ўқитувчиларнинг танбехсўровларидан бир муддат холи бўлишади. Лекин вақт дегани тўхтаб турмайди. Бир киприк қоққунича таътил муддати ҳам ўтиб кетиши аниқ. Ана шундай ганимат дамларда ота-оналар ўғил-қизларини имкони борича жисмоний ва ақлий меҳнатга жалб этсалар хайрли бўларди деб ўйлайман. Шаҳар муҳити ўз йўлига. Бироқ қишлоқ жойларида яшайдиган ёшлар учун имконият янада кенгрок. Ҳар иккала вазиятда ҳам уларни биринчи навбатда меҳнат, спорт, мутолаа билан машғул бўлишини таъминлаш орқали маънавий дунёсининг бойиб боришига улуш қўшардик.

Унутмайлик, ҳозир ота-оналар ва катталар назоратисиз қолган болаларнинг турли хил кўнгилоҷар ўйинларга қизиқиши табиий. Шунинг учун, уларни фойдали машғулотларга жалб этиш ҳақида жиддийроқ чоралар кўриш пайти келди. Ана шундагина ўғил-қизларимиз ташқи гўзалликнинг ўткинчи ҳою-ҳавасларига эмас, балки инсон учун сув ва ҳаводек зарур бўлган ботиний оламни бойитишга кўпроқ қизиқадилар.

Насиба ОМОНОВА,
Тошкент шаҳар Сергели
табiiёт коллежи ўқитувчиси.



МУҲАББАТ ТОННЕЛИ

Украинанинг Ровно вилояти Клевань қишлоғида ажайиб бир тоннель, яъни ер ости йўли бор.



Одатда биз ер остидан ўтган ёки тоғни тешиб ўтган йўлларни тоннель деймиз. Ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз эса, тоннель бўлгани билан уни ер ости йўли ҳам дейиш биров нотўғрийдир. Чунки, бу йўл ер устидан, шунчаки куюқ ўрмон орасидан, шаклан ер ости йўлига ўхшаш табиат мўъжизасидир. Айниқса, йилнинг ҳароратли кунларида дархтларнинг япроқлари барқ урган паллада бу йўл эртанамо кўриниш касб этади. Ёнма-ён ўсган дархтларнинг ям-яшил “либослари” бетакрор манзара пайдо қилади. Бу ажиб япроқли тоннель Клевань қишлоғини Оржев қишлоғи билан боғловчи темир йўлнинг бир километр масофагача бўлган қисмини ҳам ўз бағридан ўтказган. Бироқ поезд катнови у қадар тигиз эмас. Бу ердан бир қунда уч марта саноат поезди ўтади, холос. Бошқа пайти яшил йўлак сайёҳлар ва севишганлар билан гавжум бўлади.

Дарҳақиқат, маҳаллий аҳоли бу ерни “Муҳаббат тоннели” деб атади. Чунки, бу йўл бўйлаб сайр қилиш севишганлар учун анъанага айланган. Сайёҳлар тилида ақида юради, яъни севишганлар шу тоннелдан ўтаётганларида нимаики тилак айтсалар, албатта, ижобат бўлар эмиш. Айрим ёшлар ўзларининг ҳароратли туйғуларига тимсол сифатида тоннель чеккасига, дархтлар орасига турфа гул қўчатларини ўтқазишади.

Япониялик режиссёр Акийоши Имазаки ўтган йили “Клевань: Муҳаббат тоннели” деб номланувчи драматик фильмини суратга олган. 2014 йилнинг 23 ноябрида Ханой халқаро кинофестивалида мазкур фильмнинг биринчи намойиши бўлиб ўтган эди. Кинокартина сюжети айнан биз ҳикоя қилган Украина табиатидаги ушбу ажайиб мўъжиза билан боғлангандир.

Фуркат ТҲРАЕВ
тайёрлади.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЯНГИЙЎЛ ТУМАНИДАГИ “ГУЛБАҲОР ҲАМКОР САВДО” МЧЖ ЖАМОАСИ

**Матбуот ва оммавий ахборот воситалири
ходимлари кунини муносабати билан
барча журналистларни касб байрамлари
билан самимий қутлайди!**

Журналистика ҳам шараф, ҳам
фидойилик талаб этадиган соҳадир.
Шундай экан, касб сирларини пухта
эгаллашда сизларга куч-қувват,
гайрат-шижоат тилаймиз.

**ГАЙРАТ, ИЗЛАНИШ, ИЖОДКОРЛИК
ҲИССИ СИЗЛАРНИ ҲЕЧ ҚАЧОН ТАРК ЭТМАСИН!**



Реклама

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган кўлэмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Олимжон ЖУМАОБОВ

Саҳифаловчи — Акбар ШОДИЕВ
Мусаҳҳиҳлар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,
Камола АДАШБОВЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темурут кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма
Г — 636. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади
— 7028. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 4 5